


3



**БОЛАНГИЗ ҚАНДАЙ
СЕРИАЛ КЎРАЯПТИ?**

ЭНГ КАТТА БИЛАГУЗУК

6



8

**ТЕННИС МАЛИКАЛАРИ
ТОШКЕНТДА**

ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН

Нью-Йорк, 20 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар қамрови кенг. Мамлакатимиз 1992 йилда ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Ўтган даврда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Ўзбекистон БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келади.

2002 йилда БМТнинг ўша вақтдаги Бош қотиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди.

Жорий йилнинг апрель ойида амалдаги Бош қотиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида БМТ Бош қотиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда)

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Собир НАРЗИЕВ сурат-лавҳаси

*Оқшом пайти ё тунда
айланиб кўчаларни,
Тонгга элтиб қўйсанг-эй,
юлдузли кечаларни.*

*Шундай яшаб ўтсанг сўнг —
билмай ҳеч ғам, аламни.
Бу дунёни севсанг-эй,
Севган каби болангни!*

Чори АВАЗ

“ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган мухтарам муштарийлар!

Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

ИНДЕКС: Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177



Ражаб АДАШЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Шахсан менинг назаримда актёр учун ролнинг каттакичиги йўқ. Энг аввало, шу образда томошабиннинг эсида қоладиган хижат борми-йўқми — шунга кўпроқ эътибор қаратаман. Майли, эпизодик роль бўлсин, ҳатто бутун асар давомида бирров кўрининг, лекин томошабиннинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолаётган, қахрамонининг хотирасида хос томонларини очиб беролсангиз, муваффақият дегани шу аслида!

ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташири асносида БМТ ва ШХТ котиблари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақоми олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу айрли гоани кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафика қарши биргаликда курашиши ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саяё-ҳаракатларини ҳам юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислам Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги,

Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон моjarосига алоҳида тўхтади.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва mojarолар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкинлигини таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик анъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Президент Ислам Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнги қирқ йилда Орол денизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амурдарё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказди.

Ўзбекистон раҳбарининг илгари сурган тақлиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

(ЎЗА)

Ота-боболаримиз «Одобли фарзанд олқиш, одобсиз фарзанд эса қарғиш келтирар», деб бежиз айтмаганлар. Ёшларнинг ақли-хушли бўлиб воғга етиши, энг аввало, ота-онанинг берган ибратли тарбияси, ўғитларига боғлиқ. Унутмайлик, ҳар бир хонадонда чақалоқ дунёга келдими, билинги, шу кундан эътиборан ота-она зиммасига катта масъулият юкланади. Ғўдақ номига тўғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилиши билан унинг қонуний ҳақ-қўқуқлари ҳам қафолатланади.

Биз эса, орзу-хавасли халқимиз. Умид билан ўстираётган ўғил-қизларимиз бировдан кам бўлмаслиги учун кўнглига қараймиз. Табиийки, айрим ҳолларда ўзимизнинг ўткинчи хоҳиш-иродамизни ўйлаб, ёшлар қисмати-га бефарқ муносабатда ҳам бўла-миз, бу эса охир-оқибатда уларнинг кейинги ҳаётларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, баъзида балоғатга етмаган қизларимизни бирор касб-хунара эга бўлмасидан аввал узатишга шо-

жисман, ҳам руҳий жиҳатдан яхши ривожланмаслик ва шу каби қатор салбий омиллар фарзанднинг шахс сифатида шаклланиб камол топишига, соғлом ва узоқ умр кўришига тўсқинлик қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фарзанд тўғилган кунданок тарбиянинг иккинчи муҳим босқичи бошланади. Чунки мурғак гўдакни йўргаклашдан тортиб, унга қилинадиган имошиорағача унинг тўғри ривожланиб, фикрлаш қобилияти ўғо-нишига хизмат қилади. Демак, чақалоқларни ҳатто шунчаки қулдириш учун ҳар хил маъни-ли-маънисиз қилиқлар қилиш ҳам уларга салбий таъсир этиши мумкин экан.

Кўпчилигимиз эшитган ажойиб бир ибора бор: «Бир ёшдан етти ёшгача берилган билим нақар хотирасига тошга ўйилган нақшедек муҳрлини қолади». Буни ақсарият ота-оналаримиз тақор-тақор эшитган бўлсалар-

са, ўзгаларнинг ҳам меҳнатини қадрлашни ўрганади. Фарзандларини оддий уй юмушларидан аяб, энага ёллаган ёки «Болаларимни бекаму кўст қилиб ўстираман», деб қўлларига пул деса пул, гул деса гул тутқазадиган ота-оналар охир-оқибат ноқо-данок фарзандларидан но-лиганларини кўп эшитганмиз. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир 50-60 га қир-ган кампир (энага) инқиллаб-синқиллаб пол ювиб, уй супур-ган вақтда диванда бамайлихо-тир оёғини чалиштириб ётиб те-левизор томоша қилган бола-лардан эртага нимани кутиш мумкин?!

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларимизнинг ҳар та-рафлама баркамол бўлиб воғга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаёпти. Ана шундай ажойиб имконият-лардан унумли фойдаланиб, бор кучи, илмини ўқиб-ўрганишга,

ФАРЗАНДИМИЗ БАХТИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

шиламыз. Ёки бўлмаса, ўғлимизнинг раёйига ҳам қарамасдан энг яқин қариндошимизнинг қизига мажбурлаб ўйлантиришига урина-миз. Алал-оқибат, ҳар иккала ҳолатда ҳам қудалар ўртасига совуқчилик тушиб, низо келиб чиқади, норасида гўдақлар сар-сон бўлади...

Кейинги йилларда бутун жа-моатчилик, тегишли идоралар, маҳалла-қўйларда ҳар қандай ҳолатда ҳам турмуш кураётган ёшларнинг ижтимоий келиб чи-қиши, саломатлиги, қариндошчи-лик ришталари ҳақида жиддий қоралаётганлиги бе-жиз эмас. Минг аф-суски, шולי курма-сиз бўлмайди, деган-ларидек, аҳён-аҳён-да юқоридаги каби кўнгилисиз ҳолатлар учраётгани барча-мизни ташвишланти-ради. Албатта, бугун-ги замон тиббиёти эришаётган ютуқлар чаккимас. Лекин ир-сий бузилиш оқибат-ида нуқсонли тўғил-ганларга ҳар қандай илгор даволаш усу-ли ҳам, энг самара-ли дори-дармону малакали шифокор ҳам ёрдам бера ол-майди, шу боис ҳамма-миз бу бо-рада жавобгар эканлигимизни эс-дан чикармайлик. Ушбу мисолга эътибор беринг: Юнусобод ту-ман ФХДЭ бўлимида 2009 йилда 216 та болалар ўртасида ўлим ҳолати қайд этилган. Ушбу рақам шу йилнинг олти ойида 113 тани ташкил этгани барчамизни оғо-ҳлиқа чорлаши керак эмасми? Улар орасида яқин қариндошлар ўртасида қурилган оилаларда бедунёга келганлари ҳам борлиги ташвишланарли ҳолатдир. Минг афсуски, айримлар бундай хол-ларда яширин ирсий нуқсонлар сақланиб қолишини англаб етма-ётгани бизни ўйлантиради. Бу эса истаймизми-йўқми, йиллар ўтиши билан ўз таъсирини кўр-сата боради. Ота-оналар ва бо-бололарда учрайдиган хасталик-ларнинг болаларга ўтиши, тур-ли дардларга мойиллик, атроф-му-ҳит таъсирига чидамсизлик, ҳам

да, ҳар доим ҳам мағзини тўғри чақиб, амал қилишади, дея ай-толмаймиз. Ўзини қийнаётган турфа хил саволларга жавоб то-пиш умидида бизга мурожаат эт-ган фарзандимизни «Шуням билмайсанми?» деб ошқора ус-тидан кулсак ёки «Бундай май-да-чуйда саволларинг билан бо-шимни оғритиб юбординг-ку, ундан кўра бор, кўчага чиқиб ўйнаб кел», деб жеркиб берсак, уларда бизга нисбатан қандай муносабат, тасаввур ўйғонади? Ваҳоланки, худди ана шу ёш ора-лигида муррак бола тарбиясига

изланишга сарфлаётган ёшларга ҳаммининг ҳаваси келмоқда. Президентимиз алоҳида таъкид-лаб айтганларидек: «Ўғил-қизла-римизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш, авва-ло, оила бағрида оиланинг соғ-лом иклими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шаро-итида чуқур илдиш отишини, ўйлабманки, ҳаммамиз яхши ан-глаймиз». Дарҳақиқат, оила фар-зандларимизга ҳаёт илмини ўргатадиган энг муқаддас мак-табдир. Шу боис ҳам бугунги кунда барча ФХДЭ бў-лимлари қошида ёш оила мактаби, оила дорилфу-нунлари фаолият кўрсатаёпти. Мақ-садимиз битта: мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга оила куриш масъулият-и, ота-оналик ва-зифалари ҳақида етарлича билим ва туршунча бе-ришдир. Маса-лан, бизнинг Юнусобод туман ФХДЭ бўлими

ОГОҲЛИК ХОРИЖГА ЧИҚИШДАН АВВАЛ...

Агар сиз танишларингиз ёки ўзингиз билган шахсларнинг так-лифи билан ишлаш учун хорижга кетаётган бўлсангиз, бунга ро-зилик беришдан аввал ўйлаб кўринг!

Сизга тақлиф этилаётган иш тури, шунингдек, чет давлатда ишга жойлашиш тартиблари билан танишиб чиқинг!

Тақлиф қилинаётган иш ва меҳнат шартлоари, тўланадиган ойлик маошига, ҳақиқатан ҳам, эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинг!


Иш тақлиф этаётган фирма ва ташкилотнинг давлат рўйхати-дан ўтганлигини, чет эл фуқароларига иш тақлиф қилиш ҳуқуқи берилган-берилмаганлигини аниқланг, тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиқишни унутманг!

Сизга иш тақлиф қилаётган фирма ёки ташкилот вакиллари билан шартнома тузиш ва имзолашдан аввал шартнома билан та-нишиб чиқинг, зарур ҳолларда ҳуқуқшунос маслаҳатини олинг! Сиз учун аҳамиятсиз бўлган жумлалар кўп нарсани ҳал қилиши мумкинлигини унутманг!

Бу каби таъкидлар четга чиқиб, мўмай даромад топиш илдинжи-да юрган юртдошларимизга қарата турли оммавий ахборот воси-талари орқали деярли кунора янграётган бўлса-да, унга амал қила-ётганлар қаторида, таваккалчилик билан иш тутаетганлар ҳам, аф-суски, учраб турибди. Ақс ҳолда, одам савдосидек мудҳиш жиноят қурбонлари орамизда умуман, бўлмаслиги мумкин эди.

Яқинда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Ўзе-бекистон хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ҳамкор идоралар ташаб-буси билан ана шу долзарб масалага бағишланган «Одам савдоси-нинг олдини олиш, ушбу жиноятдан жабрланганларга ёрдам бе-ришда хорижий ҳамкорлар тажрибаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва барҳам беришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни, одам савдосидан жабрлан-ганларга ижтимоий қўмак кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйи-ча халқро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик, юртимизда амалга оширилаётган ишлар самараси ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Яна бир бора таъкидландики, мазкур муаммодан қутулиши-нинг, одам савдоси қурбони бўлмаслиқнинг бирдан-бир йўли чет давлатга чиқибдан олдин барча ҳуқуқий ва хавфсизлик қоидалар-ига амал қилишни унутмасликдир.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.



асосий пойдевор қўйлади, онги шаклланаётган бўлади. Билиб-билмай айтган бир оғиз истеҳ-зомиз уни кўп нарсдан маҳрум этиб қўйишини ҳам унутмайлик.

Болалар тарбиянинг эллик фоизини эшитиб, ўқиб-ўрганиб олсалар, эллик фоизини кузатиб ўзлаштирадилар. Демак, фар-зандларимни яхши тарбиялаб воғга етказаман, деган ота-она-лар фақат насиҳату ўғитларга бе-рилмасдан, балки одоб-ахлоқи, юриш-туриши, гап-сўзлари, уйда ва кўча-қўйдаги муомала, хатти-ҳаракати билан ўз ворис-ларига ибрат кўрсатишлари ке-рак.

Тарбиянинг яна бир энг му-ҳим шarti болаларни меҳнат қилишга ўргатишдир. Чунки бун-дай бола ҳаётнинг оғир-енгили-ни, сир-асрорларини тезроқ ту-шуниб етади. Ўн асосийни, ав-вало, ўз ота-онанинг, қолавер-

қошида ташкил этилган оила до-рилфунуни яқинда ўзининг тўртинчи ўқув йили машгуло-ларини бошлади. Биз Ташкент шаҳар адлия бошқармаси кўрсатмаси билан туман ҳокимияти, маънавият ва маъри-фат бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тиббиёт бир-лашмаси, ички ишлар бошқар-маси, Гафур Фулом номидаги истироҳат боғи жамоаси ва яна кўплаб жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда навбатдаги ўқув йилини янги дастур билан қутиб олдик. Ниятимиз ёшлари-миз ўзлари воғга этаётган му-қаддас дароғх – оила ҳақида тўғри тушунчага эга бўлишсин. Чунки оиладан бошланган қутлуғ ишлар қутлуғ натижалар бера-ди.

Марҳамат Йўлдошева,
Ташкент шаҳар Юнусобод туман ФХДЭ бўлими мудир.

Этибор бераётган бўлсангиз, кейинги пайтларда биз — катталар билан баб-баравар турли ёшдаги болалар ҳам қатор телеканаллар орқали намойиш этилаётган давомли сериалларни «берилиб» томоша қилишяпти. Табиийки, бундай кети узилмас «текин томоша»ларнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари ҳам борлигини унутмаган ҳолда, уларнинг ёшлар руҳияти, онгига таъсири хусусида мулоҳазалар билдириш мумкин. Чунки болалар фильмлардаги воқеа, жараёнларни қандай кўрсатилаётган бўлса, шундайлигича қабул қилишади. Таҳлил этиб ўтиришмайди. Улар учун моҳиятини англашдан кўра, қахрамонларга тақдир қилиш мумкинроқ. Ва бу, минг афсуски, кўп ҳолларда аянчли оқибатларга сабаб бўлиб қоляпти.

Кўча-кўйда ўйинчоқ қилич, калтак кўтариб, бир-бирлари билан савалашаётган болаларни кўрганда, беихтиёр «Жумонг», «Денгиз хукмдори», «Шерюрак» каби сериаллар сюжетининг асосини ур-сур, жангу жадаллар эгаллагани эсимизга тушади. Эҳтимол, ўша Жумонг, Де Жо Йонг, Жанг Бого кабилар корейс халқи учун миллий қахрамондир, ammo бизнинг ўзбек томошабинларига ўрнатилган бўларли жиҳатлари деярли кўп эмас. Ёки нотўғрими? Айримлар эътироз билдириб, бу сериалларнинг фақат қироллик учун олиб борилган жанг лавхаларидан иборат эмаслигини, донишмандона гаплар, олижаноб харакатлар бисёрлигини уқтиришлари ҳам мумкин. Бироқ, барбири, Корея худудидан бундан бир неча аср муқаддам қайсидир қадимий

давлатни тиклаш учун олиб борилган жанглар, улар қанчалик олижаноб мақсадга қаратилган бўлмасин, юз-юз эллик қисмдан иборат сериал сифатида бизнинг ҳам кўришимиз, унга қанча қимматбахо вақтимизни ажратишимизга лойиқми? — деган ҳақли савол тугилади.

онасига уйланмаган. Де Жо Йонгнинг ўғли Геум ҳам худди шундай. Бундан Кореянинг миллий қахрамони дея эътироф этилган бу шахслар фақат ишқ-муҳаббат деб, оиладек ижтимоий институтга бефарқ қараган, деган хулоса чиқаришимиз керакми? Ёки ўша Гогирё, Жосе-

ди. Уларни фақат уруш тасвирлари қизиқтиради. Учиб (ҳатто беш-олти метр тепага сакраб!) уришадиган жангчилар болаларга эртақлардаги қахрамонлардек кўринса, не ажаб? Айниқса, от минишда моҳир, савдо-сотик ишларида ҳам, жанг майдонларида ҳам бирдек эпчилликни

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ни имкони борича кўчага ҳайдади ёки ёшроқларни ёнларига ўтқизиб олишади. Онанининг меҳри, эътиборига муштоқ боланинг диққати ҳам экранга қаратилади. Натижада, у ота-онанининг меҳрли сўзларини ёки панд-насихатларини эмас, телевизор экранидидаги турли сериал қахрамонларининг маза-бемаза гапларини тинглаб, кулогига қўйиб, харакатларини хаёлига муҳраб олади. Она боласининг индамай жим ўтирганидан, ўзи эса севимли сериални бемалол кўраётганидан хурсанд бўлади. Кўчаларда ўзини Жумонг Де Жо Йонгларга қийс-лайдиган, ўйинчоқ қилишни ўйнатиб, ўзини ҳақиқий ботирдек ҳис этадиган болаларнинг кўпайиб бораётганини яна қандай изоҳлаш мумкин? Таассуфки, кичкинтойларнинг бу ўйинлари ҳар доим ҳам беозор яқун топмайди. Ўйинчоқ қилич ўрнига ростаканига пичоқ ўйнатишни хоҳлаб қолган бебошлар ҳақидаги воқеалар ҳам кулоққа чалиниб қоляпти. Балки бу гапларда бироз муболага бордир, лекин ҳақиқатдан йироқ эмас.

Телевизор кўришга одатланиб қолган болалар ота-онанининг кўзини шамғалат қилиб ёки бемалол ўз ёшига мос бўлмаган сериалларни кўраётгани, улардан аксар ҳолларда номаткул харакатларни ўрганаётгани биз — катталарни бироз бўлса-да мулоҳаза юритишга, фарзандига, унинг вақтини қандай ўтказётганига эътиборлироқ бўлишга ундаши лозим.

Комила НОСИРОВА, журналист.

БОЛАНГИЗ ҚАНДАЙ СЕРИАЛ КЎРАЯПТИ?



Этибор билан томоша қилган бўлсангиз, «Жумонг» да ҳам, «Шерюрак» да ҳам миллий қахрамон деб улуғланган образлар... никоҳсиз тугилган. Жумонгни эсланг. Унинг отаси Хае Мо Су

он каби қадимги давлатларда никоҳни муқаддас деб билишмаганми?

Албатта, ёш томошабинлар бу каби деталларга эътибор берришмайди, англаб ҳам етишмай-

кўлдан бермайдиган қизларга ҳавас қилишади. Тўғри, бизда тарихий мавзудаги фильмлар камдир. Лекин аждоқларимиз ичида қанчадан-қанча моҳир ва мард аёллар (Тумарис, Қурбонжон додхоқ кабилар) бўлганини қайси ота-она ўз фарзандига ҳикоя қилиб бераяпти? Фильмлардаги турли ошқ-машуқларнинг дил изҳорлари, харакатларини такрорловчиларга ота-она ўша сериалдаги воқеаларнинг асл моҳиятини англашишга уриняптими?

Вақти йўқлигидан, тирикчиликдан ортамаётганини пеш қилиб, нуқул нолийдиган ота-оналар орамизда кўп учрайди. Афсуски, ана шундайларнинг аксарияти сериал кўришга вақтини ҳеч қизганмайди, лекин фарзанди билан миллатимиз қахрамонлари ҳақида сўзлашишга ҳафса-ла қилолмайди, турли хил баҳоналарни тўқишдан нарига ўтмайди. Улар сериални ортиқча ташвишсиз, бошогриқсиз, хотиржамроқ кўриб олиш учун болалари-

ИМКОНИАТ МАЙДОНИ КЕНГАЙМОҚДА

Маълумки, бугунги тезкор тараққиёт замонида ҳар қандай соҳада ҳам энг аввало ахборот хизмати кўрсатиш асосий ўрин тутди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 8 августдаги «Солиқ тўловчиларга ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» қарори қарорда ҳам Давлат солиқ хизмати органлари замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган

ҚАРОР ВА ИЖРО

қарор ва ижро қилинган ҳолда, солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий хисоботлар ва хисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишини жорий этиши назарда тутилганлиги беҳиз эмас. Шунингдек 2006-2010 йилларда солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини такомиллаштириш дастури иловаси тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва мазкур соҳада ахборот тизимини такомиллаштириш дастурида назарда тутилган тадбирларнинг узлуқсиз бажарилишига доир ишларни ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Ушбу қарор ижросини ҳаётга кенг тадбиқ этиш мақсадида пойтахтимиздаги Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур ҳужжатнинг барча афзал томонларини аҳолига етказиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишлари жадал давом эттирилмоқда. Шунингдек, туман ДСИ томонидан солиқ тўловчиларга электрон кўринишдаги хисоботларни тақдим этиш дастурий маҳсулидан фойдаланиш тартибини тушу-

тириш юзасидан семинарлар ўтказиб келинмоқда. Ҳозирги кунда интер тизимга уланган юридик корхона ва ташкилотлар учун <http://soliq.uz/> ёки <http://hisobot.uz/> сайти яратилган бўлиб, ушбу сайтга барча солиққа оид ойлик, чораклик ва йиллик хисоботлар белгиланган тартибда киритилган. Бундан ташқари солиқ тўловчиларга қуйидаги интерактив хизматлар ҳам тақдир этилган:

- солиқ хисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
- шахсий хисобварақаларидан кўчирма, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги хисоб-китобларнинг ҳолатлари ҳамда солиштирув далолатномасини олиш
- тегишли давр учун текшириш режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи орган ҳақида маълумот олиш;
- солиқ қонунчилигидаги барча ўзгаришларни тезкор олиш;
- ўз саволларингизга батафсил жавоб олиш.

Хукуматимизнинг юқоридаги қарори асосида Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси Солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари натижасида жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 1672 та хўжалик субъектларига «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан электрон рақамли имзолар берилган ҳамда 4839 корхона томонидан ДСИга электрон кўринишда хисоботлар тақдим этилиб, бу билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ДСИга келиб хисобот топшириш учун сарфланадиган вақтлари тежалди.

Нормат ТОЛИПОВ,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

Биласиз, йилнинг тўрт фаслида ҳам юртимизда тўй-томошалар тўхтамайди.

Ким келин туширган, ким қиз чиқарган, ҳуллас, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари, расм-русумларига мос равишда қувончли тантана, маросимлар ўтказилапти.

Ўқинида бир қариндошимизнинг олий даргоҳни тугатган қизига совчилар келди. Суриштирсак, куёв бўлмиш ҳарбий соҳада хизмат қилар экан. Ҳалиги эркак-аёлларнинг зиёли, тушунган ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон татигани ўзаро гап-сўзларидан сезилиб турар, аввалги совчилардан кескин фарқ қиларди. Яъни улар унаштирув маросимидан кейин бошқалар каби: «Келиннинг сепи ундоқ бўлсин, шунча хонани бўшатиб қўйибмиз, фалон жойда ишлаб чиқарилган мебеллар, сўнги урфдаги пардалар, гиламлар билан тўлсин», деган талаб-тақлифларни айтишмади. Аксинча, қиз ўзига уч-тўрт

Тўйларимиз — ўйларимиз

меҳмонлар иштирокида, жудаям тартибли ўтди. Куёвнинг хонадонидан эса қариндошлар учун мўъжазгина дастурхон тuzалди, холос. Кейин эшитиб хурсанд бўлдик, бир-бири билан келишиб, кенгашиб тўй қилган кудаларнинг анча вақтдан бери йиққан маблағининг яриmidан кўпи ортиб қолибди. Бу пулга улар яхши ният билан қишлоқда ўғилларига атаб иморат солиш учун олинган жойда пойдевор ташлашибди.

Ҳозир икки ёш ойда бир марта уйларига меҳмонга келиб туришади ва ҳаманинг ҳаваси келди уларга.

Албатта, кейинги вақтларда масалан, бизнинг водий тарафларда, тўғрироғи, Наманган вилоятида шу пайтгача амал қилиб келган айрим зўрма-зўраки урф-одатларни маълум маънода қисқарти-

КЕЛИНГА СЕПДАН КЎРА ЭП КЕРАК!

кун қишлоқда кийгани либос сотиб олса бўлишини, келин-куёв нари борса, бирон ҳафтадан кейин йигит хизмат қилаётган ҳудудга кетишини таъкидлашиб, ортиқча сарф-харажатларнинг умуман кераги йўқлигини билдиришди. Айтишларича, ҳарбийлар учун қурилган шарҳнадаги уйларида ёш оилалар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилганини қайта-қайта таъкидлашиб, тўй кунини ҳам дарров белгилаб кетишди.

Тўғри, қизнинг аммалари, йигитнинг айрим қариндош-уруғлари бундай келишувни бузишга ҳам уринишди. Фақат келинлик либосида, уч-тўрт хил турдаги кийим-кечаклар билан узатилган қизнинг устидан кулганлар ҳам бўлди. Тўй маросими ҳам чоғроққина кафедра, санокли

риш, чеклашга эришилмоқда. Аммо фақат ўз билганидан қолмайдиган, қўштирноқ ичидидаги «янги ўзбек»ларнинг ўзбошимчилиги бошқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатаётганига баъзан гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, тўйдан кейинги кераксиз маросимлар, антиқа одатларни ким ўйлаб топаяпти ўзи, деб ўйлаб қоламиз. Гоҳо пойтахт Тошкентда шундай қилишаётган экан, деган кўр-кўрона тақлидлар аксарият оилалар учун қимматга тушаётганидан ҳам кўз ююлмаймиз. Бу ахволда «Шавла кетса кетсини обрў кетмасин» қабилидаги нақлларни амалда қўллаверсак, оқибати не кечад?

Шахло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

— Ражаб ака, яна бир бор сизни ижодий жаоамиз, қолаверса, кўп сонли ўқувчиларимиз номидан ушбу кутлуг мукофот билан табриклаймиз. Сир бўлмаса, бу хушxabарни қачон эшитдингиз?

— Ишонасизми, бу мен учун ҳаётимдаги кутилмаган, энг қувончли воқеа бўлди. Президентимизнинг Фармони эълон қилинган куни эрталаб биринчи бўлиб, “Ўзбекфильм” да ишлайдиган Музаффар деган укамиз менга кўнғироқ қилиб: «Ака, табриклайман, номингиз газетада чиқибди, халқ артисти бўлибсиз», — десаюм ҳеч ишонгим келмади. «Наҳотки, йўғ-е, унда нега ҳеч бўлмаса бирор кун олдин менга бирор киши ҳеч нарса демади-ку, бу йигит ҳазил қилаётгандир», — деб ўйладим. Аммо барибир бир ишониб, бир ишонмай, ўғлимни матбуот дўконига жўнатдим. Ўзим эса, юрагим така-пука бўлиб, ҳаяжонланиб, оstonада кутиб турдим. Узоқдан кўрингани заҳоти, сабрим чидамай, унга кўл силкиб, “хўш, бормикан?” дегандай имо-ишора қилдим. У ҳам «бор» дегандай бош силкигач, бошқача бўлиб кетдим ва газетани олиб ўқигач, беҳитиёр кўзларимга ёш келди. Барибир, нима десам экан, одамга бошқача таъсир қилар экан. Сўнг бирин-кетин дўстларим, яқинларим, кадрдон уругликлар табриклай бошлашди. Уларнинг чин дилдан: “Кутлаймиз, арзийди ака, гўё ўзимиз олгандек хурсанд бўлдик”, деган эътирофларини эшитиши кишига алоҳида бир руҳми, ишонч, рағбатми бағишлар экан-да. Бизга ўхшаган актёрларнинг камтарин меҳнатини кадрлаб, шундай унвонларга муносиб кўрганликлари учун Юртбошимизга минг раҳмат!

— Барибир ҳар биримиз учун беғубор ва қайтмас болалигимиз билан боғлиқ бўлган хотиралар энг ёрқин ва унутилмасдир. Шу маънода сизнинг болалик йилларингиз қандай кечган? Умуман, санъатга бўлган ҳавас, иштиёқ қачондан бошланган?

— Кино деса 9-10 яшарлигимдаёқ ўзимни томдан ташлардим. Уругт марказидаги ёзги кинотеатрда кўйилган бирорта фильми колдирмасдан, баланд дарахт шохларига чиқиб бўлсам кўрардим. Мактабимизда эса бир ўрис аёл адабиётдан дарс берар ва ўқувчилар билан турли бадий асарлардан парчалар саҳналаштирарди. Менга эса фақат бош ролларни берарди.

Бир куни туманимизга пойтахтдан киноижодкорлар келишибди, деб эшитиб қолдим. Ушанда Баҳодир Ялангтўш ҳақидаги фильмининг бир эпизодини Уругтда суратга олишга ётган экан. Мен ҳам ўртоқларим билан бориб, оммавий саҳналарда қатнашганман ва шу ба-

Турли катта-кичик роллари билан мухлислар эътибори ва меҳрини қозонган фидойи актёр Ражаб Адашев энг улуг ва энг азиз байрагимиз — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримов Фармонида биноан “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” деган юксак унвон билан тақдирланди.

РАЖАБ АДАШЕВ:

МУҲИМИ — КЎНГИЛНИ ЗАБТ ЭТМОҚ



хонада ҳатто бир-икки сўм пул ҳам ишлаганман. Уша маҳаллардаёқ устоз санъаткорлар ўйнаган ролларни синчиклаб кўриб, кузатиб, менга ҳам ана шундай улуг инсонларга ўхшаб киноларда суратга тушиш, машхур бўлиш бахти насиб этармикан, деб туну кун орзу қилардим.

Аслини олганда эса оиламизда ҳам ўзига хос ижодий муҳит бор эди. Айниқса, дадам раҳматли санъатни чин дилдан севарди. Ҳатто ўз тенгқурларини жамлаб, труппа ҳам тузишган, ранг-баранг хангома-лари, қизиқчилик чиқишлари билан танилган экан. Ким билади, отамдаги истеъдод менга кўчиб, у кишининг орзу-армонлари фарзанди орқали ижобат бўлгандир. Бу, энди, тақдирнинг ёзиги, шукр қиламан.

— **Пойтахтга қачон келгансиз?**

— Тўппа-тўғри, мактабни битирган йилим қурилишда иш-

лай бошладим. Болалигимдан расм чизишга қизиқардим. Шунинг учун ҳужжатларимни Тошкентдаги Беньков номли рассомчилик техникумига топширдим. Лекин бу ернинг таллаблари қаттиқлиги боис киролмай, уйга қайтиб кетдим. Бир куни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Ўзбекфильм» қошида актёрлар мактаби очилаётгани ва унга олий маълумотли ва ҳаваскор санъаткорлар тақлиф этилгани ҳақидаги эълонни ўқиб қолдим-у шова-пиша ҳужжатларимни кўлтиклаб, Тошкентга келдим. Уч босқичли танлов имтиҳонларини топшириб, ортга қайтдим. Ноябрь ойи яримлапти ҳамки, ҳеч қандай хабар йўқ. Ўтолмабмай, шекилли, деб ҳафсалам пир бўлиб турсам, ўшанда 22 ноябрь куни эди, эсимда қолганини қаранг, «Актёрлар курсининг стажёрлар гуруҳига қабул қилиндигиз» деган хабарнома борди. Шундан сўнг онамни ёлғиз ташлаб, бир дунё орзу-ниятлар билан катта шаҳарга келганман. 1962 йилда «Ўзбекфильм»га ишга кирган бўлсам, мана, сал кам эллик йилдан бери шу кадрдон даргоҳда ишлаб, баҳоли қудрат элга хизмат қилиб келаяпман.

— **Эшитишимизча, санъатга илк қадам қўйган пайтларингизда бош қахрамонлар образини талқин этган экансиз. Кейинчалик эса, кўпроқ иккинчи даражали ролларда, эпизодларда**

ўйнагансиз. Бу ҳол сизнинг руҳиятингизга қандай таъсир қилган?

— Шахсан менинг назаримда актёр учун ролнинг катта-кичиги йўқ. Энг аввало, шу образда томошабиннинг эсида қоладиган жиҳат борми-йўқми — шунга кўпроқ эътибор қаратаман. Майли, эпизодик роль бўлсин, ҳатто бутун асар домида бирров кўрининг, лекин томошабиннинг хотирасида бир умр мухрланиб қолсангиз, қахрамонингизнинг ўзига хос томонларини очиб беролсангиз, муваффақият дегани шу аслида! Шундай бош ролларни биламан, қанчаси мухлисларнинг эсидан чиқиб кетди. Аксинча, бор-йўғи икки оғиз гап айтиб, томошабин кўнглидан жой олган эпизодик ролларим қанча. Ҳар қандай сценарийни ўқиб чиқаётганимда, масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратаман. Қахрамонимнинг юришимни, бирор қилигимни, гапириш оҳангимни, хуллас, бирор томонини бўрттириб кўрсатиш орқали унга жозиб бағишлагим келадди, бир сўз билан айтганда, бутун юрагимни бериб ишлашга ҳаракат қиламан.

— **Кўпинча сиз ўйнаган қахрамонларга дубляж пайтида бошқа актёрлар овоз беришади. Улардан кўнглингиз тўладими?**

— Менга овоз берган санъаткорлардан фақат Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусовнинг

✓ ГУРУНГ

овози қониқтиради. Бошқаларидан, очиги, унчалик кўнглим тўлмаган. Ҳозиргиларининг аксариятида деярли ўзим овоз бераяпман.

— **Айтишларича, дубляж пайтида ёзиладиган шовқинлар бўйича мутахассис экансиз. Бу қандай жараён ўзи?**

— «Ўзбекфильм» қошида 1975 йили худди шундай гуруҳ ташкил этилган ва ўшандан бери мен шу йўналишда ҳам ишлаб келаяпман. Айни пайтда олти кишидан иборат ижодий гуруҳимиз фаолият кўрсатмоқда. Бизлардан илҳомланиб, «Ўзбектелефильм»да ҳам шундай иккита ижодий гуруҳ очилибди. Биттасида тўнғин ўғлим Раҳимжон ишлайди. Унга ҳам бу касб сирларини ўзим ўргатганман. Шовқин, кўшимча товушлар, бу, аслида кишининг бўёғи. Бусиз фильм ўз таъсирчанлиги, ҳаётлигини йўқотадди, яъни, овозсиз тасвирдай бўлиб қолади. Шамол гувиллаши, сувнинг шалдираб оқиши, чойнак-пиёланинг жаранги, отнинг дупури, овқатнинг қовурилиши, эшикнинг гичирлаши — ҳаммасини дубляж вақтида табиийдек ўхшатишга ҳаракат қиламиз. (Ражаб Адашев гапирарётиб, қафти билан оёқ сонларига шаппатилаб, отнинг юмшоқ жойда югуриб кетаётганини товуш орқали ифодаб берди — Ш.Р) Лекин газли ичимликларнинг кўпириши, шампан виносининг “пак” этиб отилиши, тарвуз кешалаётгандаги овозни фақат ўша маҳсулотларни олиб келиб ишламасак, бошқа ҳеч қайси усул билан ўхшатиб бўлмайди. Бизнинг студиямизда керакли шовқин ва товушларни чиқарадиган ҳамма нарса топилади: қамшидан тортиб, гўлағача бор. Менга бу соҳа завқ беради. Кейин иқтисодий томондан ҳам фойдаси бор-да.

— **Оилангиз ҳақида ҳам гапирсангиз. Фарзандларингиз орасида сизнинг йўлингиздан кетганлари ҳам борми?**

— Турмуш ўртоғим Раънохон қирқ йилдан зиёд мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб, шу йил нафақага чиқди. Менинг бормимга ҳам, йўғимга ҳам сабр қилиб, болаларимни оқ ювиб, оқ тараб, ижодимни хурмат қилиб, кузатиб боради. Тўрт фарзандим, олти нафиса набирам бор. Тўнғич қизим Кимёхон филолог, Барнохон эса инглиз тили ўқитувчиси. Ўғилларим Раҳимжон ва Зиёдулла “Ўзбектелефильм” студиясида ишлаяпти. Каттаси овоз ёзиш бўлимида муҳандис, кичики эса монтажчи. Фарзандларимнинг ҳаммаси ҳам санъатга илҳомланд. Айниқса, кичкина ўғлим Зиёдулла турли роллар ўйнашга қизиқарди. Аммо бу соҳанинг азобларини тотган инсон сифатида унга руҳсат бермадим. Лекин иккала ўғлим ҳам актёр бўлмаса-да, бевосита шу соҳанинг ҳавосидан нафас олиб, киночиликка аралашиб юришибди. Ҳали айтганимдек, Раҳимжон шовқин-товушчилар гуруҳи аъзоси. Фарзандларимдан санъаткор чиқмаган бўлса ҳам, бош набирам Хислатжоннинг яхшигина овози, иқтидори бор. Ажаммас, халқона айтганда, олманинг тагига зора олма тушса...

«Оила ва жамият» муҳбири Шаҳноза Рофиева сўхбатлашди.



«МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» аппарати ёрдамида зарбали-тўқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурралари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратди.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия аппаратида бир вақтнинг ўзига лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари муассамлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган аппаратда умуртқаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуктали уқалаш, нина санчиб даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ аппаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва қатнаб даволаниш учун барча шароитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: +99897 119-32-10, (+99897) 338-35-15

Факс: 8 (371) 283-40-35

Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаева кўчаси, 52-уй.

Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

«ЎКТАМХОН-НУР»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.

Хамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Хамшира (тезкор) — 3 ой.

Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуктали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).

Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).

Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалиёт).

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).

Тўқувчилик — 2 ой.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бисер тиқиш, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.

Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел.: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

✓ МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

КИМГА ҲАВАС, КИМГА?..

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Маълумки, бугунги кунда сунъий уруғлантириш учун эркак вужудидаги сперматозоидлар миқдорининг деярли аҳамияти қолмади. Айтайлик, аёл соғлом фарзанд кўриш қобилиятига эга, лекин эркакнинг маний миқдори жуда кам. У ҳолатда биз микроскоп кўмағида эркакдаги мавжуд ўша санокли сперматозоидларни топамиз. Ва аёл тухумхужайраси билан қовуштирамиз. Бир неча кундан сўнг етилган ҳомила она раҳмига кўчирилади.

Ёки олайлик, сперматозоидлар миқдори бир қадар кўп, лекин насл қолдириш учун барибир етарли эмаслиги аниқланган. У ҳолда маълум бир вақт мобайнида эркакнинг фаол уруғлари клиникада йиғиб борилади. Миқдор етарлича бўлган, улар орасидан энг соғлом, ҳаракатчанларини танлаб олиниб, аёлга қўйилади. Ҳомиладорлик табиий шароитда юзага келади.

Биз ҳозирги кунда клиникамиздаги сперматозоид сифатини аниқлаб берувчи махсус тиббий ускуна кўмағида тамомила нажотсиз саналган шахват суюқлиги орасидан ҳам ҳеч бўлмаганда бир дона етилган хужайра топиш имконига эгамиз. Бу эса мутахассис учун етарли ва ўша эркакнинг яқин келажакда ота бўлиш ва ўз пушти камаридан бўлган фарзандини бағрига босиш умиди сақланиб қолганини исботлайди, демакдир. Бу технология интроцитоплазматик инъекция (ИКСИ) деб аталади.

Бу борада бизнинг «DOCTOR-D» ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел.: +99871-113-00-57). E-mail: hospital@doctord.uz. URL: http://www.doctord.uz (t)



DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ИРҒАШЕВ

ди. Швейцария олимлар билан бу борада олиб бораётган ҳамкорлигимиз жуда яхши самара бермоқда. Улар яратган технологияга асосланиб, биз уруғ суюқлиги, ҳаракатчанлиги, фаоллигини оширишга (бу сперманинг аёл тухумхужайрасига етиб бориши фаоллик имкониятини оширади, яъни, миқдор эмас, фаоллик бунда муҳим роль ўйнайди) муваффақ бўлдик.

Бошқа бир ҳолатда, спермани бир неча мустакил зичликка эга қатламларга бўлиб, етилган уруғ хужайраларни алоҳида ажратиб олиш, сўнгра уни жонсиз, нимжон, нуксонлиларидан тозалаб, фақат соғлом ва ҳаракатчанларини қолдиришга эришялмиз. Кечагина орзу-хаёл, гоёдангина иборат бўлган бу кашфиётларнинг бари бугунги кунга келиб наслинг соғлом ва бақувват бўлиши кафолатига айланиб қолди.

(Давоми келгуси сонда)

Москвадаги Халқаро

Абу Али ибн Сино академиясининг магистри

табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини таклиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қораталоқ касалликлари;
- Бепуштлик, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридagi оқ доғлар(встелиго) ва ажинлар кетали;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриги, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўрғони.

Телефон: (+99897) 156-57-31. Лицензия № 95

Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛАЙН?

— 1 ой аввал қаттиқ сиқилдим. Кейин чап қўлим, кўкрак қафасим ва белим оғрийдиган бўлди. Айниқса, ишлаганимда, қўлимни кўтарганда оғриқ кучаяди, нафасим ҳам қисади. Бу қандай касаллик бўлиши мумкин?

Ўқтам КАРИМОВ,
Бўка, 21 ёш

— Елка бўғимидаги оғриқ остеохондроз, миокардит (миокард яллиғланиши)га ишора қиляпти. Лекин бу ҳолат вегетатив кон томирлар дистонияси, ўпкадаги вирус инфекция туфайли ҳам бўлиши мумкин. Вазиятга аниқлик киритиш учун кардиограмма қилиб, невропатолог ва кардиолог шифокор кўригидан ўтишингиз керак.

Лариса ТАНЧЕВА,
кардиолог

— Қизим ҳозир 7 ёшда. 2 ёшида сепсисга чалиниб, иситмаси тушмади. Шифохонада ётиб, кўплаб антибиотик қабул қилди. Натижада қулоғи эшитмай қолди. Аудиограммада 4-даражали карлиги аниқланди. Ҳозир ҳам эшитмайди. Бу касалга шифо борми?

✓ САВОЛ-ЖАВОБ

С. Саидов,
Самарқанд

— Касаллик неврит аломатларини кўрсатиб турибди. Бунга Каномидин, Гентомицин, Мономецин, Неомецин, Стрептомицин антибиотикларининг ототоксик (эшитиш аъзоларини ишдан чиқариш) таъсири сабабчи. Бемор Тошкент шаҳридаги 101-сонли қар болалар мактаб-интернати (Мирзо Улугбек, Буюк Ипак йўли кўч. 114, тел: 2659148/55) ёки 102-сонли заиф эшитадиган болалар мактаб-интернати (Собир Раҳимов тумани «Олимпия» мавзеси, Мухбир кўчаси, тел: 2297411/37)да мутахассис назоратида бўлиши ва профилактик муолажалар олиши керак. Акс ҳолда эшитиш заифлиги кучайиши мумкин. Тошкент Тиббиёт академиясининг лор клиникаси қошида невритга чалинганлар учун сурдологик марказ мутахассисларига ҳам муурожаат этишингиз керак.

Республика 1-клиник шифохонаси лор бўлими раҳбари Равшан МИРАЗИЗОВ

Азиз фарзандимиз Яшнар Маҳаммадиев!

Сени тугилган кунинг билан чин дилдан қутлаймиз. Соғлиқ-саломатлик, оилавий тотувлик тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан оила аъзоларинг номидан

отанг Турсунбой
Маҳаммадиев,
Сурхондарё вилояти
Олтинсой тумани.



БИР ҲОВУЧ ДУР

Фарзандингизни толесиз қилишингизнинг энг sinalган усули қандайлигини биласизми — у нима деса, ҳаммасига хўп денг.

Ж. Ж. РУССО

Босилган қадам — одатга, одат — характерга, характер эса қисматга айланади.

У. ТЕККЕРЕЙ

Мактаблар кўллигига қарамай, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди.

Н. М. КАРАМЗИН

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

**НОГИРОН
ЛА-МАНШДАН СУЗИБ
ЎТДИ**

Бир неча йил илгари қўл-оёғи кесиб ташланган француз Филипп Круазон яқинда Ла-Манш бўғозидан сузиб ўтди.

У сувдаги саёҳатини Британиянинг Фолкстон шаҳри яқинидаги сохилдан бошлаган. Ногирон сузувчи бунинг учун икки йил давомида пухта тайёргарлик кўрди. Оёғининг соғ қисмига махсус куракча(ласт)лар маҳкамлади. Шу сабабли у оддий сузувчиларга қараганда атиги икки баробар секин суза оладиган бўлди. Август ойида Круазон Франция қирғоқларида 12 соатлик синов сузишини муваффақият билан адо этди. Собик металлург бу қаҳрамонлики ўз кучинга ишончини ошириш ва барча ногиронларнинг ҳаётга муҳаббатини мустаҳкамлаш учун амалга оширишга аҳд қилган экан.

**АКС ТАЪСИР
ЭТМАЙДИМИ?**

Канаданинг Ванкувер шаҳри полициячилари йўллардаги тезликни камайтириш учун галати тажрибадан фойдаланишмоқда.

Улар ҳайдовчининг эътиборини йўл ўртасидаги бир жисмга қаратиб, тезликни туширишга мажбур қилишаётир. Шофёрлар Ванкувер кўчаларида пушти гилдирак думалатиб кетаётган қизалоқни кўриб, машиналарини секинлатяптилар. Яқинлашган, кўзга кўринган қизча эмас, балки йўлнинг ўртасига ёпиштирилган, оптик жиловланадиган расм экани аён бўлади. Канадалик масъул-

лар бу тажриба автоҳалокатларнинг қолдини олишга катта ёрдам беришига умид боғлашмоқда. Бошқа бировларнинг фикрича эса, йўл ўртасида қизчани кўрган ҳайдовчилар шошиб қолиб, бошқарувни йўқотиб қўйиши мумкин ва бу фожияли воқеалар сонини кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Мавзуга доир чиқиш қилган психолог Боб Девар ҳам тажриба акс таъсир беришдан хавотир билдирган. Шофёрлар «сароб қизалоқ»нинг сирини олгач, кейинчалик йўлда ҳақиқий қизча чиқиб қолса ҳам, тезликни пасайтирмай унинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин, дейди у.

**АФРИКАНИ
ТАРК ЭТИБ...**

Британия олимлари Homo sapiens типидagi одамлар Африкада илмда қабул қилинганидан камида 10 минг йил олдин кўча бошлаганини исботлашди.

Тадқиқот иши илмий журналларда ҳали қабул қилинмаган, у ҳақда «BBC News» порталида қисқача ёзилди, холос. Олимлар Хиндистон ва Араб яриморлида яшаётган олиб бориб, қазималар чоғи 2-10 сантиметр ҳажмидаги тош қуроллар топилган. Тадқиқот муаллифларининг фикрича, уларни Ното турининг бошқа вакиллари, масалан, неандерталлар эмас, айнан Homo sapiensлар ясаган. Агар бу фараз ўз исботини топса, «акли одам»лар Африка китасини 70 минг йил илгари тарк этиб, Ер сайёрасининг бошқа ҳудудларини ўзлаштира бошлаган бўлади.

Интернет манбалари асосида
Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

● АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

ГИГАНТ ОДАМ

Тарих нималарга гувоҳ бўлмаган дейсиз. Американинг Индиана штати Бремен шаҳрида истикомат қилган Роберт исмли жаноб нақд 1069 фунт, яъни 485 кило-ю 326 грамм оғирликка эга бўлган. Бундай вазн кўрсаткичидан унинг қандай баҳайбат одам эканлигини тасаввур қилаётгандирсиз.

Роберт Эрл Хьюз (Robert Earl Hughes) 1926 йилда Иллиной штатида ту-



тилганда каттагина чакалоқ эди, аммо у қадар хайратланарли даражада эмас. Яъни, гудакнинг вазни 5 кило 200 граммни ташкил қилган. Роберт уч ёшга тулганда жиддий хасталикни бошдан ўтказди ва шундан кейин семириб кета бошлади.

Олти ёшида унинг вазни 92 килога чиқиб кетди. Йиллар давомида вазни ортиб борди. 11 ёшида 171 кг, 18 ёшида 315 кг, 25 ёшида эса 447 килограмм тош боса бошлади. Бу ёшда инсоннинг бўйи ўсишдан тўхтайдиган, аммо вазни эмас... Роберт оғирлик тўплашда давом этверди. 1958 йилнинг февралда Хьюз 1069 фунт, яъни 485 килою 326 грамм вазнга эга бўлди. Бу ин-

сон учун тиббиёт шаҳодатлик бера олган энг катта вазн кўрсаткичи эди.

Роберт бу вазни билан жуда кўп нокулайликларга дуч келиб, тез-тез турли касалликларни бошидан ўтказарди. Бир хасталик тузалса, бошқаси бошланиб қоларди. Жамоат шифоналарида унга мос ўринлар топилмасди. Шу боис Хьюз ўзига махсус қароват ясаттирган эди...

Охир-оқибат, бу хасталиклар серияси 1958 йилнинг 10 июлида Робертнинг умрига зомин бўлди.

**ЭНГ КАТТА
БИЛАГУЗУК**

Бирлашган Араб Амирликларидаги заргарлик буюмлари фирмасида ишлаб чиқарилган «Тоиб юлдузи» деб аталувчи олтин халқа бугунги кундаги энг катта билагузук ҳисобланади. Ушбу тақинчоқнинг оғирлиги 62 килограмм, уни беэба турган еттига асл тошлар эса 25,850 қарат келади. Бу антиқа буюм, албатта, бирон-бир бадавлат хоним тақиб юриши учун тайёрланган тақинчоқ эмас, балки заргарлик дўконига реклама мақсадида қўйилган ва ниҳоятда эскириб қолган муҳофаза қилинади. Билагузукни томоша қилиш учун эса Дубайдаги савдо марказига ташриф буюрадиган одамларнинг қадами узилмайди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

**МАСТОПАТИЯ ХАВФЛИ
ХАСТАЛИКМИ?**

Ушбу саволга жавоб олиш мақсадида Республика онкология илмий маркази маммология бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Нигора Раҳмоновага мурожаат қилдик.

— Мастопатия кўпича туғиш ёшидаги аёлларда учрайди. Унинг дастлабки белгиларини ҳар бир аёл ўзи сезиши мумкин. Яъни ҳайз келишидан олдин сут безларида шиш ва оғриқлар пайдо бўлади, — дейди сўхбатдошимиз. — Бу ҳол тез-тез такрорланса, яъни бунинг олди олинмаса, кейинчалик ҳайз келмаган вақтларда ҳам оғриқ янада кучаяди. Кўкрак учидан рангсиз, кўнгир, кулранг ёки кўкимтир аж-

ҳатто шифокор тавсия этмаса ҳам йилда бир марта маммография текширувидан ўтишлари шарт. Бундай кўриқлар ҳаётингизни узоқ ва гўзал давом этишини таъминлайди. Унутмайлик, бу касалликни келтириб чиқарадиган энг катта омиллардан бири бу аёлнинг ўзига нисбатан ўта эътиборсизлигидир. Аксарияти андиша қилиб, кўпича бошидан кечириётган ҳолат ҳақида ҳеч кимга айтмай, ўтиб кетади деб юрaverади. Оқибати эса яхшилик билан тугамайди.

Хотин-қизларимиз, албатта, дармондориларга бой бўлган мева-чева, сабзавотларни, таомларни истемол қилиши, жисмоний машгулотлар билан мунтазам шуғулланиши, (сузиш, рақслар ва велосипедда юриш) алкоголь ичимликларга ружу қўймастикларни бу хавфни батараф этишга хизмат қилади. Айниқса, аёлларимиз ўз вазнларини бир меъёردа асраб туришлари учун астойдил спорт билан шуғулланишлари зарур. Бунинг учун, албатта бирор спорт машгулотига бориш шарт эмас. Уй шароитида ҳам ўзларига маъқул келадиган машқларни бажариб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги кунда бу касалликни аниқлаш ва даволаш учун Республика онкология илмий марказида замонавий тиббий аппаратлар бор. Улардан аёлларимиз бепул фойдаланиш имкониятига эга. Бу соҳада етук мутахассислар фаолият кўрсатапти. Энг муҳими, эртанги кун эгалари бўлиши соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтириш масъулияти оқланган оналаримиз ўз саломатликларига жиддий эътибор бериб, вақтида тиббий текширувдан ўтиб турсалар, албатта, бундай касаллик уларни ҳеч қачон безовта қилмайди.

“Оила ва жамият” муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
ёзиб олди.

**“СИЗ ЧИНДАН ҲАМ
ДАҲОСИЗ!”**

Агар битта бўлса ҳам фарзандимиз бўлганда эди, балким бундай қийинчиликларга дуч келмасмидик... Ҳозир оддийгина ўқитувчиман. Университетда талабаларга дарс бераман. Аввал ўқидим, сўнг ўша дорилфунунга ишга кирдим. Ижод қилдим, китоблар ёздим. Шу сабабдан бироз кечроқ уйландим.

Аёлимнинг уй-рўзгор ишларида ҳеч қандай камчилиги йўқ. Супур-сидир дейсизми, пазандчилик дейсизми, хуллас, ҳаммасидан унга тенг келадигани топилмас керак. Қисқаси, битта аёл қилиши керак бўлган ишини бари қўлидан келади. Бироқ кўпчилик хотинларга хос бир хусусияти бор — тилла тақинчоқларга ўлғундай ишқибоз. Кечанига ҳаётимда ана шу тилла билан боғлиқ бир воқеа содир бўлди. Бу ҳақда сўзлашдан олдин сиздан бир нарсани сўрамоқчиман. Сиз ҳаётингизда бирор марта азиз нарсанингизни сотишга мажбур бўлганмисиз? Масалан, биронта китобини, узукни — аҳамияти йўқ. Энг асосийси, унинг сиз учун бўлган қадрида... Мен ана шундай азиз нарсани сотдим. Ҳа, ҳа, сотдим, жуда қадри нарсани. Бироқ пул учун эмас, аёлим учун.

Ишдан уйга кеч келдим. Ана чарчаган бўлсам-да, ўтган кун ҳаётимнинг муваффақиятли кунларидан бири бўлгани учунми, кайфиятим яхши эди. Аёлимни кўришим билан бугунги кунимни таърифлай бошладим.

— Билсанми, азизим. Бугунги тадбирга дунёнинг турли мамлакатларидан буюк олимлар ташриф буюришди. Хитойдан, Италиядан, Япониядан...

Эроншунос олимлар Ҳофиз ижодига оид илмий тадқиқотлари билан ўртоқлашишди. Энг эътиборлиси, қадимги форсий матнларга оид тадқиқот ишим учун менга олий мукофот берилди...

Буларнинг барчасини юракда ҳаяжон билан айтаяпман. Бироқ у гапларимга эгирча ҳам эътиборини қаратмади. Сўнг мукофотни кўрсатиш учун сумкамни олдим. Шу пайт хотинимнинг нигоҳи беихтиёр менга қадалганини сездим. Биласизми, унинг кўзларида қувонч кўрина бошлади. Сумкадан совға қилинган лавҳни олдим. У жуда маҳорат билан ясалган бўлиб, ичига китобнинг очик ҳолдаги шакли туширилган, устига эса тилла харфлар билан ёзилган эди. Совганим дераза олдидаги ёзув столига қўйдим. Қўшиб берилган табриқнома ҳам унга узатдим. У қозоғга кўз югуртириб, столга ташлади-да, лавҳни қўлига олди:

— Бунингиз тиллами?

— Ҳа, битикари тилла, — дедим хотиржамлик билан.

— Қанчага арзийди?

— Мен учун унинг қиймати йўқ. Гарчи бутун умрлик меҳнатимга арзимаса ҳам, ҳар ҳолда...

— Неча пул туради, деяпман! — гапимни бўлди.

У бу сўзлари билан устимга бир челақ совуқ сув қўйгандек бўлди, вужудим музлаб кетди. Гарчи қаттиқ ранжиган бўлсам-да, мулойимлик билан жавоб бердим:

— Ахир, бундай мукофотлар сотилмайди, азизим. Бу — маънавий бойлик...

— Яна эски панднасиҳатларни бошланманг. Шунинг сотасан нима бўлти? Осмон узилиб, ерга тушармиди?!

— Нега сотишимиз керак?

— Менга билагузук олиб берасиз.

Оёқларим қалтираб, ўзимга бўйсинмай қолди. Унинг сўзлари юрагимга санчилган ўқ сингари оғриқ берарди.

— Бу умрим давомида топган шухратим бўлсан, уни қандай сотишим мумкин?! — тушунтиришга интилдим мен.

— Ҳа, сиз фақат китоб ўқинг, китоб ёзинг, тадбирларда сўзга чиқиб тўлиб-тошиб гапиринг. Э, ўзи профессор бўлиб нимани қойиллатдингиз...

Асабларимни тинчлантириш учун, жаҳлимни босиб учунми, билмадим, сигарет тутадим. Секун курсига ўтирдим. Ўтган умрим кўз олдимда чарх ура бошлади... Қўёш хали ботмаган эди. Шу ҳаёллар оғушида лавҳни олдим-да, заргарлик дўконига отландим. Қўлимда кўтарганим лавҳ эмас, балки қалбим эди. Ана шу қўлимдаги «қалб-имни бироздан кейин сотишимни ўйласан, вужудимни дард қўлга оларди.

Эски бир танишимнинг ўғли заргарлик дўконига ишлар эди. Шу ерга бордим. Салом-алиқдан сўнг «қалб-имни эллик беш минг туманга сотдим. Пулига билагузук олиб, уйга қайтдим. Аёлим мени очик юз билан қаршилади. Билагузукни қўлига берганимда эса азбаройи қувониб кетганидан мени қучоқлаб олди:

— Азизим, сиз чиндан ҳам даҳосиз! — деди билагузукни қўлига тақаркан...

Форс тилидан
Фирдавс САИДОВ
таржимаси

Одилжон айна қирқ етти ёшида дунёдан ўтган онасини сўнги йўлга кузатиб келгач, аламдан ўкириб-ўкириб йиғлади. Сўнг уйда осиглиқ турган оқ халатини шахд билан олиб, ҳовлининг четига улоқтирди. «Дўхтир дегани шундай хатога йўл қўйса, мен бу соҳада қандай ишлайман?» дея талғаб касбидан ҳам норози бўлиб кетди. У гўё шу йўл билан ҳаётдан ўч олмакчи, кўнглидаги дарддан, азобдан фориг бўлмоқчи эди... Ахир, 15 ёшидан умри далада ўтган, аёл боши билан 25 йил бригадирлик қилган онаси

дан эринмаган отаси ҳақида ўйлади ва буларга жавоб бериш вақти келганини англади...

ТИББИЁТ ФИДОЙИЛАРИ

Йиллар Одилжоннинг чархлари. У қаерда ишлагани, биринчи навбатда беморларни обдон текшириб, тахлилларнинг натижасига қараб, даво муолажалари тайинлашига қатъий эътибор қаратди. Ўрни келганда, ҳамкасбларига онасининг касмати ҳақида сўзлаб берди. Жарқурғон туман «Тез ёрдам»идаги раҳбарлик

этан санада Тошкент шаҳридаги «Чинобод» санаторияси бошқаруви раиси этиб тайинланди. Даставвал қилган иши — даво масканида тиббий тахлилларни мукамал амалга оширадиган лаборатория ташкил этиш бўлди, ташхислаш бўлими очди. Шунингдек, янги-янги тиббий ускуналар келтирилиб, муолажа турлари кўпайтирилди. Натижада, йилига 800–1000 нафар аёлга иссиқ ванна қабул қилиш мумкин эмаслиги аниқланди. Масканида илгари ҳар ўн кунда 316 нафар бемор ошқозон-ичак, жигар касалликларидан фориг бўлиши кўзда тутилган бўлса, энди умуртқа чурраси билан оғриган беморларнинг умуртқа погонасини компьютерли ва дозала чўзиш ҳам йўлга қўйилди. Физиотерапия, ичак ювадиган асбоб-ускуналар янгиланди. Одилжон Мамажонов бу ерда ҳам энг аввал шифокорлар малакасига эътибор қаратди. Ҳозирда қирқдан ортиқ шифокорлар, жами 260 нафар тиббий ходим даволанувчилар соғлиғига масъул. Қирқ йилдан буён 1560 метр чуқурликдан қайнаб чиқаётган 55 С° иссиқликдаги маъданли сув беморларнинг дардига малҳам бўлмоқда.

— Санаториямизга даволаниш истагида мурожаат қилаётганларнинг адоғи йўқ, — дейди Одилжон ака. — Бу, авваламбор, одамларнинг ўзига эътибори ошганидан, юртимизда фаровонлик ва тинчликнинг барқарорлигидан, деб



16. Sep. 2010

БИР КАЛОМ МАЛҲАМДУР, БИР СЎЗ БЎЛАР ТОШ...

шифокорларнинг биргина лоқайдлиги туфайли ўлиб кетаверса-я!.. Олти боласини Худога топшириб, сахар-мардондан то тун ярмигача пахта даласига жонини, кучини берган, қишлоқ аҳлининг борини ошириш, камини тўлдириш ташвишида юриб, томю дарвозасига, нураб кетаётган деворигача тиклаб берган, «Саодатхон — пошхоxon» номи билан ҳаманинг ардоғида бўлган онаси бугун ўзига келганда чорасиз қолса-я?... Эндигина Андижон тиббиёт институтини тугатиб (1985 йил), Термиз шаҳар касалхонасида интернатура жараёнини ўтаётган Одилжон юқоридаги аламли саволларига жавоб тополмас, бу фожеа туфайли келажак орзулари куйиб кетаётгандай эди.

...Онаси Саодат Усмонжонова барваста қоматли, феъли келганда юмшоқ, аксарият холларда қаттиққўл, талабчан, ер илмини сув қилиб ичган, эл-юрт тан олган машҳур пахтакор эди. Аммо бахтга қарши, «Сурхондарё юлдузи» даладаги ҳосилини йиғиштириб, жамоасидаги бир гуруҳ аёллар билан «Жайраҳона» санаториясига борди. Шифокор эса текширмасдан бошқалар қатори унга ҳам иссиқ ванна қабул қилишни тавсия этади. Афсуслар бўлсинки, бу кўрсатма соғлиғини тиклаш ўрнига, Саодат опанинг ҳаётига нуқта қўяди — иссиқ сув муолажаси туфайли қорнидаги ўсимта (киста) ёрилиб кетади...

Хуллас, Одилжоннинг кўнглидаги галаёнларнинг чеки йўқ эди ўша дамда. Аммо кўпни кўрган тоғасининг «Ўзингни қўлга ол! Бу — Худонинг иродаси! Сен ана шундай хатоларга йўл қўйилмаслиги учун ҳам дўхтир бўлишинг керак, жиян!» деган гаплари юрагига тошдай муҳрланди. Ер қадар буқилган қаддини кўтариб, атрофга боқди. Ҳоқисоргина отаси Орифжон ақанинг маҳзун чехраси, жигарларининг эзгин қиёфаси, укаларининг ўзига қадалган ёш тўла кўзларини кўриб, 23 яшар йиғит зиммасига юкланган вазифанинг залворини ҳис қилгандек бўлди. Етимликда тоғанинг қўлида ўсган, ноҳорлик туфайли институтни ташлаб, фарзандларининг билим олиши учун имконият яратган, иш билан жони ҳалак онанинг ўрнини билдирмасликка уринган, адабиёт, тарих ҳақида ҳикоялар сўзлаш-

фаолияти даврида ҳам тиббиётга оид янги-янги лойиҳалар ишлаб чиқди. Одилжон Мамажонов 1987–1989 йиллари республикада биринчи бўлиб «Тез ёрдам» шифохонасини ташкил қилди. Жиззах вилоятидаги «Зомин» санаторияси бош шифокори ўринбосари вазифасида фаолият юритганида ҳам ўз принциплари асосида иш тутди. 1997 йили уни Республика курортлар бошқармасига ишга олишди. У бу ташкилотда 2001 йилгача раис ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Тошкент вилояти Қибрай туманида қад кўтарган «Умид гулшани» сихатгоҳининг оддий чўпидан тортиб, ҳар бир фиштигача Одилжон Мамажонов учун қадрли. Санатория очилган кундан бошлаб унга маскан раҳбарлигини ишониб топширишди. Бу даргоҳда тўрт йил ишлаган бўлса, тўрт дам олиш кунигина ишга бормади. Шифо истаб келган беморларнинг саломатлигини бир лаҳза ҳам назоратсиз қолдирмади, даволанувчиларнинг жисман ва руҳан қувватланиши учун ҳамма шароитни яратишга ҳаракат қилди. У бунинг учун, авваламбор, тиббиёт ходимларининг масъуллигини кучайтирди. Сихатгоҳда чет элда ишлаб чиқарилган тиббиёт ускуналарини кўпайтиришга, муолажа турларини оширишга уринди. Шифо масканига малакали мутахассисларни жамлашга интилди. Одилжон ака 25 йил фарзанд кўрмаган эр-хотинлар шу ерда даволангач, кўп ўтмай қўллариди чақалоқ билан суюнчилаб келишган пайтдаги хаяжонларини тасвирлаб беролмайдди. Ўша лаҳзалар тиббиётнинг мўъжизавий кучига иймон келтирди. Аммо уни юзага чиқариш шифокорнинг билими, иқтидори, сергаклигига боғлиқ деб ҳаммиса, ҳамма жойда таъкидлайди.

Такдирни қарангки, у онаси вафот



ўйлайман. Далада ишлайдиганлардан тортиб, тоғда юрадиган геологларгача саломатлигини тиклаш учун сихатгоҳга келишарди. Мақсадимиз бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетишига йўл қўймасликдир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш аълочилиси, олий тоифали шифокор Одилжон Мамажоновнинг эгаллаган касбидан қанчалар фахрлишини кўриб, инсоннинг ўзига бўлган ишончи, ҳаракати уни нақадар оқсакликларга олиб чиқишига амин бўлди.

Бугун Одилжон ака онаси Саодатхон ая орзу қилган келини — Гулнорахон билан уч фарзандни вояга етказиб, элга қўшди. Бир набиранинг шодон қийиригидан масрур. Отаси (40 йиллик тепловоз машинисти) Орифжон бобо бугун 78 ёшда, 25 неварга, 10 га яқин чевараларнинг ардоғида хузурланиб, тангрига шукрона келтириб юрибди.

Ҳа, ўзлигини билган, масъулиятли инсонгина кўкка кўтарилади, деб шунга айтади...

Санобар **ФАХРИДИНОВА**, «Оила ва жамият» муҳбири. (т)

Бахтли бўлинг!

«Насиба билан севишиб турмуш курган эдик. Бизга кўпчилиكنинг хаваси келарди. Афсуски, бахтли дамларимиз узокқа чўзилмади. Бир кам дунё деганлари шу экан-да, фарзанд кўриш насиб этмади. Ноилож беш йилдан сўнг ажрашдик. Сўнг бир қизчаси бор аёлга уйландим. Уни ўз фарзандимдек кўриб, тақдирга тан бериб, яшадим. Зора, кексайганимда «ота», деб эшигимдан йўқлаб турса, ёлғизлигимни билдирмаса, деб ўйлардим. Оиламга яхши шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида бегона юртларда ишлашга ҳам мажбур бўлдим. «Хар ерни қилма оруз, хар ерда бор тошу тарозу», деганларидек, у ой деганда иш топиб, бир-икки сўм даромад қиламан деб турганимда тобим қочиб қолди. Шундай бўлса-да, ишлаб уйга пул жўнатиб турдим. Охири оёқларим шишиб, бутунлай юролмай қолганимдан сўнг уйга қайтишга мажбур бўлдим. Лекин аёлимни мени касаллигим эмас, пулсиз қайганим кўпроқ хавотирга солганини сезиб, дунё кўзимга қоронгу бўлиб кетди. Ҳеч бир эркакнинг бошини ёстиққа теккизгулик қилмасин экан. Ўн ой тўшакка миҳланиб, минг азоб чекдим. Хотиним «Согайишингизга кўзим етмайди» деб ажрашиш учун судга ариза берди. Қонуний ажрашдик. Ҳозир эса худого минг қатла шукрки, аҳволим анча ўнғланди, тўзалайман. **Ёшим 38 да.** Маълумотим ўзга махсус. Ёшимга мос, қадримга етадиган, меҳрибон, очиқкўнгул аёл учраса, хабар берсаларингиз.

БОТИРЖОН, Самарқанд вилояти».

«Ота-онам уйимизга келган совчиларга менинг раъйимга қараб жавоб беришарди. Мен эса орузмдаги шахзодамни кутардим. Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Олий даргоҳни тугатдим. Нуфузли ташкилотда хизмат қила бошладим. Йиллар оқар сув экан. Ёшим 30 дан ўтганда бир ҳамкасабамнинг маслаҳатига қўлоқ солиб, унинг Собир исми жиёни билан танишдим. У тошкентлик эди. Бўйи-бас-ти келишганлиги, хушмуомалалиги ака-укаларимга маъқул бўлди. Бир ой ичида тўйимиз бўлиб ўтди. Дастлаб қайнона-қайнотам ўғилларининг ҳеч жойда иш-ламаслигини яшириб юришди. Собир ҳам ишга шошилаётгандай эрталаб чиқиб кетар, кечга қарчар-хориб кириб келарди. Кўп ўтмай, ҳар хил баҳоналарни рўқач қилиб, ишга бормайдиган одат чиқарди. «Елгоннинг умри қисқа», дея бежиз айтилмаган экан. Мен ишлаб бошладим. Собир узукун бекорчи эди. Бунинг устига ҳар куни ичиб келадиган одат чиқарди. Қайсинглимининг айтишича, эрим институтни бир амаллаб тугатгач, ҳеч жойда ишламаган экан. Бир куни қайнонамга «Хотининг ишлайди, деб нақайнотам ўғилларининг ҳам бермай қўйдингиз», дея юзсизларча гапираётганини эшитиб, юрагим оркамга тортиб кетди. Дардимни уйдагиларимга айтудим, акамнинг фиғони чиқиб, «Ота-онасига боқиманда бўлган эркакдан нима кутасан? Келажакнинг нима бўлади? Вақтида ажраш», деб маслаҳат берди. Онам «Сабри бўлгин, ақл-хушини йиғиб олар», деди. Икки йил кутдим, лекин эримнинг аҳволи ўзгармади. Охири қонуний ажрашдик. Ёшим 35 да. Маълумотим олий. Фарзандим йўқ. Ёшимга мос, зарарли одалардан ҳоли, иши тайин, диёнатли инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

ФАРИДА, Сирдарё вилояти».

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рункига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ОНА ФАМИЛИЯСИДАГИ

ФАРЗАНД

✓ **БАХТ ОСТОНАСИ**

Яқинда ФХДЭ бўлимимизга бир эрхотин кириб келди. Эрнинг қўлида "Тугилганлик тўғрисида гувоҳнома".

— Опа, мана буни алмаштириш керак, — деди у менга ҳужжатларни тутқазиб. Юзимдан ажабланиш ифодасини сезгач, яна қўшимча қилди: — Қаранг, боланинг исм-шарифи онасининг фамилиясида ёзилибди. Эракчиликка тўғри келмайди-да бу...

Уларни танидим. Бундан ун йилча бурун идорамизга етказилиб кириб келиб, никоҳдан ўтмоқчи эканликларини айтишганди. Ушанда уларни рўйхатга олиб, тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланма тутқазётганимда маълум йигит эътироз билдира кетганди:

— Ие, тиббий кўрик учун ҳам овора бўлишимиз керакми? Эртага тўй, беш кундан кейин эса чет элга жўнаб кетишим керак, меҳнат таътилим ҳам тугаб қолди. Сўнг келин бўлишига мурожаат қилди: — Юр, ҳозир зарурини кўрайлик. Сени салонга қолдириб ўтаман. Кейин кўшиқчи ва видеочилар билан учрашимиз керак...

Орадан бир йил ўтмай, ўша келинчақ туғилганлик тўғрисида гувоҳнома беришимизни сўраб келди. Қонуний

никоҳдан ўтмагани боис уни ёлғиз она деб расмийлаштиришга ва шу асосда боласини она фамилиясида қайд этишга тўғри келди. Бугун эса улар гувоҳнома алмаштиришни сўраб келишибди. Уларга амалдаги қонунчилигимиз доирасида маслаҳатлар бердик, аввало, тиббий кўриқдан ўтиб, никоҳни қайд этишлари лозимлигини тушунтирдик.

Ҳа, афсуски, бугун никоҳ ёшидаги баъзи йигит-қизларимизнинг оила қуришдаги билимсизлиги, никоҳ масаласига бепарқликлари сабаб ана шундай ҳолатлар юз бермоқда. Дабдабали тўй қилиб, эл-юрт олдида обрў билан турмуш қуришни ҳамма хоҳлайди. Бирок ана шу тўй дабдabasига чалғиб, оила қончилигини асословчи расмий никоҳни унутиб қўётган, бу ишга иккинчи даражали юмш сифатида қараётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Баъзилар ялғизи видеочи, қатор-қатор машинаю ресторан каби турли майда-чуйдаларга катта маблағ, ойлаб вақтларини сарфлашга оғринмаётган бир пайтда тиббий

кўрик учун атиги икки-уч кунгина вақт ажратишга, никоҳдан ўтиш учун арзимас суммадаги давлат божини тўлашга келганда оғриниши галати. Бундай бепарқлик эса оқибатда "ёлғиз оналик" ҳолатларининг қайд этилишига сабаб бўлади. Шу боис аҳоли орасида қонуний никоҳ, тиббий кўриқнинг афзалликлари, ёлғиз она, оталикни белгилаш ҳолатлари сабаб ва оқибатлари ҳақида тушунтириш олиб бораёғимиз. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, мазкур масалалар юзасидан муаммолар бирмунча камайди. Чунончи, ўтган йили ФХДЭ бўлимимизда 130 нафар болага ёлғиз она фамилиясида гувоҳнома берган бўлсак, жорий йилнинг шу давригача бу кўрсаткич 98 тани ташкил этди. Бу эса ёшларимизнинг қонуний оила, расмий никоҳ ҳақидаги билим ва кўникмалари ошиб бораётганидан далолатдир.

Соҳиба ҒОЙИБОВА,
Бухоро шаҳар 2-сон ФХДЭ
бўлими мудир.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ТЕННИС МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Хотин-қизлар ўртасида "Toshkent open – 2010" аънавий халқаро теннис турнири бошланди.

"Toshkent open" – Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги нуфузли турнирлардан бири бўлиб, мазкур аънавий мусобақа истеъдодли теннисчиларни кашф қилиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Аввалги турнирларда кетма-кет икки мартаба бош совринни қўлга киритиш бирор спортчига насиб этмагани ҳам пойтахтимиз кортларидаги теннис беллашувлари доимо жаскан ва муросасиз ўтишидан далолатдир.

Бу йилги мусобақаларда ҳам руми-



ниялик Александра Дулгеру, россиялик Анна Чакветадзе, словакиялик Магдалена Рибарикова, италиялик Мария Елена Камерин, таиландлик Тамарин Танасугарн, швейцариялик Стефани Фогел ва америкалик Жил Крайбас каби таниқли теннисчилар иштирок этаётгани турнирга бўлган қизиқишни оширмоқда.

ПЕШҚАДАМЛАР ГАЛАБАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лигасининг йигирманчи турида пешқадам жамоалар навбатдаги галабасини нишонлади.

Чемпионлик унвонини муносаб химоя қилаётган Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси Фарғонада "Нефтчи" футболчилари меҳмони бўлиб, 3:0 ҳисобида зафар қучган бўлса, "Пахтакор" футболчилари ўз майдонида "Хоразм"ни 3:0 ҳисобида енгди.

Яна бир қизиқарли учрашув Қаршида бўлиб ўтди. Бронза медалга асосий даъвогар – "Насасф" "Навахор" жамоасини қабул қилиб, мавсумдаги ўнинчи галаба (1:0)сини нишонлади.

Йигирманчи турнир қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: "Қизилқум" (Зарафшон) – "Динамо" (Самарқанд) 3:1, "Локомотив" (Тошкент) – "Андижон" (Андижон) 2:0, "Шўртан" (Фузур) – "Олмалик" (Олмалик) 5:3, "Металлург" (Бекобод) – "Машъал" (Муборак) 1:0.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

"Оила ва жамият" газетаси ижодий жамоаси таниқли шоир ва таржимон **Матназар АБДУЛҲАКИМ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИККИ КАРРА ХИЁНАТ

"Чипталар бор, акажон арзон нархда, яхши жойлар. Хоҳласангиз олд қаторлардан, хоҳласангиз балкандан... Райхонага билетлар..."

Бу О.Агзамовнинг ҳар кунги "иши". Бирор машҳур хонанданинг концертига кассадан чипта олиб, оддий томошабинга қимматроқ нархда сотади. Буни уйдабуронлик дейиш нотўғри бўлади. Чунки О.Агзамов шериги Б.Худайбердиев билан биргаликда ҳам хонанданинг, ҳам томошабиннинг ҳақиға қилияпти.

Фуқаро А.Ибрагимов ана шундай жабрдийда мухлислардан бири. У 2010 йилнинг 10 февраль кунини хонанда Райхонанинг концерт дастурига тушиш учун "Истиклол" санъат саройига келиб, кассада билет йўқлигини кўргач, хафсаласи пир бўлди. Энди нима қиламан деб, боши қотган мухлиснинг жонига О.Агзамов ҳамда Б.Худайбердиевларнинг "чипталар бор, яхши жойлар бор!" деган сўзлари оро кирди. Олиб-сотарлар айтган нархни эшитгач эса, калпаги учи кетди. Чунки уларнинг айтаётган нархи кассадагидан бир неча баробар қиммат эди-да. "Хоҳласангиз олинг, биз сизни мажбур қилмаймиз", деб авради улардан бири.

Азбаройи концертга оиласи ва қариндошлари билан киришни хоҳлаётган А.Ибрагимов 31 дона чипта сотиб олишга келишди. Унга кўра ҳар бир чипта 70.000 сўмдан жами 2.170.000 сўмга ёки 1.000 АҚШ доллариға хисобланди. Аммо О.А.Агзамов ва Б.С.Худайбердиевларнинг "операция"си якунига етмай қолди. Сабаби, савдо "пишгач", Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир уларнинг ўзаро жиний тил бириктириб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида савдо фаолияти билан шу-

гулланиб келаётганликлари аниқланди.

Шунингдек, текшириш давомида фуқаро Б.С.Худайбердиевга тегишли "Дамас" русумли автомашина кўздан кечирилганда, унинг салонидан 185 дона хонанда Райхона Ганиеванинг концерти учун чипталар, 41 дона "Истиклол" санъат саройи ўриндиқлари схемаси, 2 дона "Жам ва Баҳодир" деб

✓ **ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ**

ёзилган варақ нусхалари, чипталар савдосидан тушган 223.000 сўм ва 466 АҚШ доллари ҳамда харидор А.А.Ибрагимовга сотилган 31 дона ва О.А.Агзамов ҳам 2 дона билетлар мавжудлиги аниқланиб, улар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Маълум бўлишича, фуқаро О.Агзамов 2006 йилдан буён шериги Б.Худайбердиев билан биргаликда мазкур санъат саройида ноқонуний савдо билан шуғулланиб келган. Қонунбузарлар қилган ишлари юзасидан тушунтириш берар экан, тушган фойдани тенг бўлишганини ва шу кунга қадар ушбу фаолиятдан 15 миллион сўм атрафида фойда қўришганини айтиб ўтишган. Бордию харидор А.Ибрагимовга 31 дона билет сотилганда нақд 740.000 сўм соф фойда кўришлари ҳам мумкин эди...

Сохта "ишбилармон"лар энди қонун олдида жавоб беришади. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 188-моддаси 2-қисми "в" банди ва 3-қисми "а" банди билан жиноят иши кўзгатирилган.

Анваржон ҒАФУРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаменти
Тошкент шаҳар Бошқармаси
СОЖАБЭОО бўлими
бошлиғи ўринбосари.

ОИЛАНING «ТИЛ САНДИҒИ»

ТУЛЛАК – Бу сўзни биз асосан "пасткаш", "муттаҳам" маъноларида тушунамиз. Аслида эса унинг туб илдизи у қадар ёмон маънони англатмайди. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "туллак" сўзи "бултурги, бир ёшдан ошган бедана" маъносини билдириб, "туллаган" деган сўздан ҳосил бўлган.

Тожибой юриб кета туриб, туллакнинг овозидан завқланарди.

Мирмуҳсин.

КАҲҚАШОН – Бадиий адабиётда кўп қўлланиладиган бу сўз "сомон йўли" яъни осмонда тунда узунасига кўринадиган йўл деган маънони англатади. "Қаҳқашон" сўзининг туб илдизи "сомон тортувчилар, ташувчилар" деган мазмунни билдирган.

Кетма, жоним, айриликдан жон безор, Ярим кеча қаҳқашонинг бўлайин.

Миртемир

КУВ – Бу сўзнинг "куви" шакли ҳам бор. Қадимда сутни чайқатиб ёғини олиш учун ишланган, цилиндр шаклидаги узун ёғоч идиш. Суюқлик солинадиган катта кўза ҳам "куви" деб аталган. Баъзи манбаларда бу сўзнинг "қуб", "куби" шакли ҳам бор.

Майрам опа айвонда қув пишар эди.

Шукур Холмирзаев

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлезмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 832. Формати А–3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 8284.

Навбатчи муҳаррир — **Фаррух ЖАББОРОВ**

Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**

Мусахҳилар — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,**

Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5